







# ШАҲРИМИЗ ЯШИЛ ЛИБОС КИЯДИ

Баҳор келиши билан Тошкентда «Урмон ва боғ» ойлиги ўтказиш яхши анъанасага айланиб қолди. Бу тадбирни амалга оширишда минглаб шаҳарликлар, студентлар, ўқувчилар, ишчи-хизматчилар, маҳаллалар аҳолиси, пенсионерлар — ҳуллас, ўз шаҳрини севган ҳар бир киши қатнашади.

Бу йилги барвақт келган баҳорда янги «сквер, парк, анҳор бўйлари, кўча ва майдонларга дов-дарактлар ўтказиш» ишлари кенг авж олдириб юборилди. Баҳорда республикамиз пойтахти аҳолиси олдида бир миллиондан ортиқ туп «яшил бойдон» ағни вазиғаси қўйилган.

Ҳар кун шаҳар кўчатзорларидан ўнлаб автомашиналар хилма-хил мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини жойларга ташинмоқда. Шаҳарни кўкаламзорлаштирувчилар, корхона, кўришни ва муассасалар, олий ўқув юрталари коллективлари 450 минг туп дарахт, 16 минг туп бута, 540 минг туп «жонли тўсиқлар» ва 10 миллиондан ортиқ туп ҳар хил гул кўчатларини экиш мажбуриятини олганлар. Турар-жой массивлари территорияларидаги кварталлар ичига кўкаламзорлаштириш ва мезазорлар барпо қилиш учун 50 минг тупдан ортиқ олма, ўрик, нок, олхўри ҳамда ток кўчатлари ўтказилди.

Чилонзор ва Оқтепа массивларининг қиёғаси бирмунча ўзгаради. Ҳозир бу массивларда жуда катта кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Чилонзорда Анҳорнинг сўл қанғорида олти гектар майдонга эга бўлган парк вужудга келирилган. Бу ерда баҳорги кўчат ўтказиш ишлари тамомланган. Гулзорлар учун майдончалар ажратиб қўйилди.

Шу массивнинг 3-микрорайонига янги ўрмон-парк барпо қилиш ишлари бошлаб юборилди. 15 гектар майдонни эгаллайдиган бу паркида сунъий кўл ҳам бўлади. Мазкур ўрмон-парк шаҳримиздаги энг обод ва гузал боғлардан бири бўлиб, Ўзбекистон ССР нинг 40 йиллиги байрамига Чилонзор аҳолиси хизматига топширилади.

Шаҳар бўйича ҳозирроқ 700 минг тупдан ортиқ ниҳоллар ўтказилди. Кўчат ўтказиш ойлигига эскиватор, «Тошкентга-бел» чинни заводи, граммпластик заводи ишчи-хизматчилари актив қатнашмоқдалар. Улар ўзлари ишлайдиган корхона территориясини яшил либосга ўраш, ариқчаларни тозалаш ишларини яқин бўлиб бажариб қўйдилар.

Октябрь район маҳаллаларида авж олган кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Гуручарик маҳалла (ранен ўрқот Усмонхўнаев) аҳолиси яхши ташаббус бошлаб, ўз кучи билан Сарикўсув кўчасида сквер вужудга келтирди. Маҳалла пенсионерлари дарахтларни меҳр-муҳаббат билан ўтказиб, гуллар учун алоҳида жойлар ажратдилар. Колхозча кўчасидаги ташландиқ жойда эса, «Фаол» маҳалласи меҳнаткашлари юз туп дарахт ва 2000 гуп бута ўтказиб, кўрнам боғ яратдилар.

Вироқ кўкаламзорлаштириш ишига мўтлақо бағар қараб келаётган корхоналар раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Толь фабрикаси, танкомотор автобазаси, 3-автомобил, 4-тикучилик фабрикаси каби корхона ва муассаса бошлиқлари шу вақтгача ўз территорияларини ободонлаштириш бўлида ҳеч қандай иш қилмадилар.

Шаҳримизнинг яшил либоси — жамоатчиликнинг бойлигидир. У ҳақда жонажон шаҳримизнинг ҳар бир граждани қайғирини керак.

З. ФЕДОРОВА.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасининг агрономи.

# ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

▲ КАЛИНИН. Район территориясига жойлашган фармацевтика институтининг ётоқхонаси атрофида студентлар хилма-хил дарахт кўчатлари ўтказмоқдалар. Ҳозирчада ёшлар 150 гуп олма, 50 туп ўрик, шунча олма, гилос, гут, ананас — жами 5 минг туп кўчат экидилар. Студентлардан П. Хўжамқулов, М. Абдуллаев, С. Топматов, Я. Жўраев йиллари бу ишда алоҳида ташаббус кўрсатишди.

Қ. Мусамуродов.

▲ ТОШКЕНТ. Пойтахтининг Жарқўрғон кўчаси — йилдан-йилда кўркам тус олмақда. Ленин район коммунал хўжалиги боғбонлари бу ерда 3,5 гектарлик боғ барпо қилмақдалар. Ҳозирги кунларда бу ерда некса боғбонлардан Ўринбой Хасанов, Толиб ота Ҳусанов ва Турғун Кўрғонбоев ўрқотлар олма, олхўри ва бошқа манзарали дарахтларнинг тағлирини юмшатиб, уларни меҳр билан парварши қилмоқдалар.

Х. Ҳайдаров.

▲ ЧИРЧИК. 163-курлиги трестининг турар-жой коммунал бўлими ходимлари баҳорги кўчат ўтказиш ишларига оммавий равишда киришдилар. Улар Профсоюз кўчаси, хивчилик маданият саройи атрофида 1200 тупдан ортиқ дов-дарактлар ўтказишди. Уй ва ётоқхоналарда яшовчи аҳоли ҳам бу ишдан четда қолмаётди.

Т. Сихарулидзе.

# ЯНА ФУТБОЛ!

Жуда кўп командалар бу прогрессив тахтига қўллаб-қўллабдилар. У ё бу мамлакатда футболда қилган ўзгаришларнинг тўғрилиги адиқ халқаро мусобақаларда текшириб қўрилади. Бу мавсумда совет футболчилари чет эл командалари билан 300 га яқин ўрашув ўтказмоқдалар. Булар аввало, Болгария, Польша клуб командалари билан бўлади. Шунингдек, Шотландиянинг энг яхши командалари билан ҳам ўрашув бўлади. Июлда Италиянинг «Ювентус» ва Югославиянинг «Хайдук» командалари билан матчи бўлади.

Чилда бўлган жаҳон чемпионати сабоқлари биз учун бекор кетмади. Бу Совет Иттифоқи терма командасининг ўрашув календариди ҳам қўриб турибди. Календарда «юксак доирада» матчи соғини янча қўлайитириш кўда тўтилар. 23 майда Швеция терма командаси билан ўрашув бўлади. 22 сентябрда Совет Иттифоқи ва Венгриянинг тўртта терма командаси ўрашувда традицион матчи бўлади. Биринчи составлар Москвада бўлади. 13 октябрда биз Болгария терма командасини қабул қиламиз. 24 ноябрда Совет Иттифоқи терма командаси Римда Италия терма командасига қарши бўлади. 29 ноябрда Касабланкада Марокко терма командаси билан ўрашув бўлади.

Бу матчи қандай муҳим бўлишига қарамай, иккита асосий мусобақа борки, улар барта футбол шикозларининг эътиборини ўзига жалб қилади. Бу — Европа Кубоци мусобақаси ва XVIII олимпиада ўйинлари саралаш мусобақасидир.

Европа Кубоци иккинчи марта бўламанда. Бу Кубоци, маълумки, биринчи марта СССР терма командаси қўлга киритган эди. Ҳақонда

Кубок мусобақасида қатнашиш учун 17 та терма команда ариза берган эди. Энди уларнинг сони 29 га етди! Футбол ассоциацияларининг Европа союзи (УЕФА) энг кучли 13 командани аниқлаш учун дастлабки бундан ўтказишга қарор қилди. Бу 13 команда биринчи босқичда ўрашувлардан овоз қилганда 3 команда (Кубок эгаси сифатида СССР, ташланган чек бўлими Австрия ва Люксембург) билан бирга 18 финалда кўриш довож эттирди. Дастлабки ўйинлар 1962 йил 3 июнда бошланган эди. Улар 1963 йил 31 мартда тамом бўлди. СССР терма командаси фахри Кубоки қўлини равишда қўлга киритганини таъдиқлаш учун таърихнома. Унинг биринчи вазиғаси — 26 мартда УЕФА ташлаган чекдан сўнг аниқланган рақибни ютишдир.

СССР терма командаси учун яна бир синов олимпиада саралаш турини бўлади.

Ушан йил охирида совет олимпиада терма командаси Жаңуви Америка бўлаб сафар қилди. Унинг йиллари янги тренер Вячеслав Соловьев ўз олдига турган вазифасини тўғри тушунаганини эътироф этишга имкон берди.

Олимпиада саралаш турниридаги биринчи мусобақа Финляндия терма командаси билан бўлди. Урашувлар мудофат (ўзининг ва рақибининг майдонига) миллий федерациялар томонидан қўйилган келиши олимпиада. СССР олимпиада терма командаси галаба қилган тақрирда Голландия ва ГФР ўрашувдаги матчининг голли билан ўрашди. Хуллас, бу йили кавсумининг кескин ва қизиқарли бўлиши кутамолди. Футболчиларимизга турнир жамлариди муваффақият, шикозларга эса яхши қайғириш тилаймиз.

Алексей ЛЕОНТЬЕВ

АПН футбол обозрочиси.

# ЧЕВАР БЎЛДИЛАР



Суратда: маданият уйининг чеварлари тинчан нийимлар виставна, сина.

А. Абелян, фотолари.

Октябрь районда А. М. Горький номи маданият уйи ташкил қилинганга энди бир йил бўлди. Бу ерда бичиштириш тўрагаи очилди, унга уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи аёллар, турли корхоналарда меҳнат қилувчи хотин-қизлар жалб этилган эди.

Ҳозир уни 20 дан ортиқ ёш чеварлар тамомлаб, гувоҳнома олди. Яқинда маданият уйида уларнинг бир йил ичига қилган ишлари виставаси очилди. Ҳар хил фасондаги бежимни тикилган кўйлақлар, ёш болалар кийимлиги комплекслари, шимлар кишининг диққатини ўзига тортиди. Булар моҳир ўқитувчи Руденковнинг тўғри қўли билан икки-чирларнинг ўргатганининг нўрсатиб турибди. Айниқса, Дилов, Тўлағанова, Раъно Турсунова, Муваззат Сулаймонова, Анастасия Прокудина ва бошқалар тикучилик насобини жуда яхши эгаллаб олдилар.

Н. ОМОНОВА.

Редактор М. ҚОРИЕВ.



Пойтахтининг парк ва майдонларида баҳорги ишлар жонлиб кетди. Суратда: Фрунзе майдонига боғбон Ўринбой Каримов дарахтларни бутамоқда.

# Спорт

## ТОШКЕНТЛИК АКРОБАТ-ЧИГА ОЛҚИШЛАР

Бу кунни Львов шаҳрининг жуда кўп спорт ишчибозлари тошкентлик спорт мастери Рашид Исмаиловнинг ақолиб акробатик машқларидан ҳайратда қолди, уни кизгин олқишладилар. «Буревестник» спорт жамияти марказий Советининг кубоги учун бўлган мусобақадда Ўзбекистон чемпиони 30 та спорт мастерини орқад қолдириб кетди ва фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Бир қатор Ўттинифоқи мусобақаларининг голлиб, Р. Исмаилов давлат физкультура институтига аъло босқуч билан ўйинди. Айни ҳоқда у Островский номи пилонерлар саройида ёш акробатларни тайёрлаш юзасидан катта педагогик ишлар олиб бормоқда.

И. БИРБРАГЕР.

## ВЭШ ЎЙИ, УЧ ПАЛАВА

Грозний ва Вильнюс шаҳарларида волейбол бўйича «А» классиди 13-24 ўринларни олиш учун курашувчи аркалар командаларининг СССР биринчилиги финал мусобақалари тамом бўлди. Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари Грозний шаҳрида беш ўйин ўтказдилар. Ҳамшаҳарларимиз Фрунзе ва Вок командаларининг 3:0 ҳисоби билан, ереваллик клуббозларини эса 3:1 ҳисоби билан ютдилар. Икки ўйинда — Грозний спартакчилари ва «Буревестник» (Олмаота) командалари билан бўлган ўрашувларда мағлубиятга учрадилар.

Ҳал қилувчи ўйинлар 24-30 мартда Тошкентда бўлади. Пойтахтимиз динамочилари Ленинград ва Рязанинги армия волейболчилари, Одесса ва Ленинграднинг «Буревестник» спортчилари, Вильнюс динамочилари ва Кишиневнинг «Молдова» командалари билан олтига ўрашув ўтказдилар.

П. КОНОВАЛОВ.

## ЯНГИ ЧЕМПИОНЛАР

Бокс бўйича 1963 йилги Тошкент шаҳарий мусобақасида 136 ёш спортчи рингга тушди. У ваъд қилган бўйича Р. Раҳмонов, П. Располни, С. Чернышев, В. Абарьянс, Х. Бобоқонов, Э. Сайфуллин, Н. Дорошченков.

## СУД ЗАЛИДАН

## Қотилга олий жазо

Ота-онанинг иссиқ бағридан жуда ҳам эрта ажраган Турсунов беш болага она бўлган бир вақтида ўз фарзандларини етим қолдирди. У, ўз насаби билан вафот этгани йўқ, асло. Турсунов соғлом ва кўнглида кири йўқ, покчада аёл эди. У эри Маматкул Ярлақаловнинг қонли панжалари орасида қурбон бўлди.

Маматкул шу кунни кечкурун яна ширақайф қайтди. Уйга кирди-ю қонга тўлган кўзи билан Турсуновни кўрди. Ҳар кунги сўкиш ва уриш яна бошлади. Муштариф она жон аччиғида эмиш турган боласини олди-ю ҳовлига отилди. Кетидан қувиб чиққан Маматкул экин олдида ётган болани олиб унга отди. Қонга беланган она қўлидаги бола отилиб қолди. Етиб келган қотил болани қўлга олди. Ўзинга хотинини яна ўрашга болта уриб қийналаб ташлади. Чақалоқ ҳам кўп ўтмай дунёдан кўз юмди.

Тошкент область суди қотил М. Ярлақалов жиноятини синовчилар кўриб чиқди ва уни олий жазо — отиб ўлдиришга ҳукм қилди.

М. АВИЗОВ.

Янгийўл район прокуратурининг ердამчиси.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 19 МАРТ, 1963 ЙИЛ.

# Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

## БОЛГАРИЯ ВАТАН ФРОНТИ СЪЕЗДИДА

СОФИЯ, 16 март. (ТАСС). Ватан фронтининг съезди болгар халқининг сиёсий активлиги, молият бирлиги гоят ўсган ҳамда болгар халқи Болгария Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети теғаригага маҳкам жипслаган вазиғатда ўтмоқда. Ватан Фронтини Миллий кенгаши ва Молия-контроль комиссиясининг ҳисобот докладиди юзасидан ўтказилган музокараларда ҳозирда 29 делегат сўзга чиқди. Улар Ватан Фронтини маҳаллий комитетларининг хилма-хил ишлари тўғрисида зўр иштиёқ билан гапирдилар.

## ФРАНЦИЯ КОНЧИЛАРИНИНГ ИРОДАСИ МУСТАҲҚАМ

ПАРИЖ, 18 март. (ТАСС). Франция шахтларининг умумий забастовкаси довож этмоқда. Ҳуқуқмат-нинг ҳамма оғдариш ва наводаларига қарамай, кончилар шахтларга туширидан бош тортиқмоқдалар, аввал ўларининг иш ҳақини ошириш ва меҳнат шартини яхшилаш ҳақидаги талаблари қонбўриллини талаб қилмоқдалар. Ланс шаҳрида бўлиб ўтган 40 минг кишилик митингда, бошқа қиёғида митинглар ва йиғилишларида, забастовка комитетларининг мажлисларида шахтлар: ҳаққоний ишчилик галаба қозонишига қадар кураш олиб борамиз, деб ай-моқдалар.

Полмиди ҳукумати забастовкачиларини талабларини қондиришдан бош тортиқмоқда. Қўмир шахтларининг мажмурияти «ярим чоралар»гагина рози бўлиб, шахтларнинг ҳалма талабларини «келгусида» қа-

Ватан фронтининг V съезди, дейилдида резолюцияда, Болгария Коммунистик партияси VIII съездининг ички ва халқаро масалалар ҳақидаги қарорларини Ватан фронтининг программаси, деб қабул қилди. Ватан Фронтини Болгария Коммунистик партиясининг раҳбарлигида съезд қарорларини амалга ошириш учун бутун кўчгайратларини сарф қилди.

Делегатлар Ватан Фронтини устанига киритилганидан қўшимча ва ўзгаришларни яқинлик билан қабул қилдилар. Съезд қатнашчилари зўр ақидлик билан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетига телеграмма қабул қилдилар.


Шундан кейин съездининг ёпиқ мажлисида Ватан фронтининг раҳбар органлари сайланди.

▲ Қобилда Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида тузилган битим амалда. Бу битимга мувофиқ, Совет Иттифоқи Бағрам аэродроми қўриқлигининг иккинчи наводалари ишларини бажаришда Афғонистонга ёрдам берди.

▲ Португалия қўл остидаги Гвинея ватанпарварлари мустамлакачиларга қарши миллий озодлик курашини кучайтирмоқдалар. Португалия қўл остидаги Гвинеяни ва Шил бурун ороллариини озод қилиш ҳаракати қатнашчиларининг вакили Коначарда қўн-дағилари айтиди: Ватанпарварлар яқинда португалияликларнинг қарши колоннасига ҳужум қилди-лар. 400 солдатдан 150 киши асир олинди, қолғилари ваҳимга тушиб, тумтарайғи қочдилар.

▲ Индонезия тинчлик комитети Жанубий Вьетнам ҳукуматиға телеграмма юборди. Телеграммда бундай дейилди: Америка қўшчилари ва яғондидемчи қўшинларнинг ўз озодлик учун курашгаган Жанубий Вьетнам аҳолисиға қарши захарловчи моддалардан фойдаланиши дарҳол тўхта-тишилари талаб қиламиз. Норо-зилик телеграммаси Вьетнамда кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссияға ҳам юборил-ди.

▲ Вьетнам қасаба союзулари федерацияси француз шахтёрларининг қаҳрамонона кураши билан бирдам эканлигини билдириб, умуммеҳнат конфедерациясига телеграмма юборди. Вьетнам қасаба союзулари, дейилди телеграммда, француз ишчиларининг ўз ҳуқуқ-ларини ва қасаба союз эркинликларини учун, де Голлиннг диктаторлик режимига қарши курашда янги



Ироқ пойтахти Бағдодда демократик кўчаларга қарши ваҳшиёна репрессиялар ўтказиш ваъди олдиге. Баасчи отрядлар ишчилар ишайдиган кварталларда патромлар ююштирилди. Суратда: Бағдоддаги мудоғфа министрининг район этилган бинос. Бу бино Қосим нинг ялғарини штаб-квартираси эди. АП—ТАСС фотоси.

## ТЕЛТАЙП ЛЕНТАЛАРИДА

Муваффақиятларга эришувларини тайилдилар. ▲ Лондонда Италия ташқи ишлар министри Пиччинининг Англия ҳукумати вакиллари билан олиб бурган музокаралари тамом бўлди. Ўзлон қилинган ахборотда айтилишича, музокараларда НАТОни мустаҳкамлаш проблемалари алоҳида эътибор берил-ди. Англия ташқи ишлар министри Хьюм билан Пиччини ўртасида олиб борилган музокараларда НАТОнинг ядро қулуларини вужудга келтириш масаласи мухо-кама қилинди.

▲ Японияда «Хоккайдо тан-коисон» қўмир компаниясининг эгалари «рационализация» қилиш «плани»ни тўздилар. Бу план 3.550 киши ва хизматчининг қўлини бу-шиши кўзда тутилди. Илчилар Ҳис-обига рационализация қилиш тадбирларини амалга оширишга иштиёқли корхона эгаларининг ана шу «плани»ни ишчилар рад этмоқдалар.

▲ Франция ташқи ишлар ми-нистри Англия ташқи ишлар ми-нистри лорд Хьюм томонидан кел-тисан ҳафтада Парижда берилди-ган аниқдага ҳозир бўлишдан бош-тортиди. Англияда чиқадиган «Дей-ли теллеграф» газетасида Франция ташқи ишлар министрининг шу ҳаракатининг нороз бўлиб, фран-цуз министрининг бу қарорини «баҳчаналик» деб атайди. Аммо, газета инглизларнинг ўз-ли бир вақтлар шундай хатти-ҳа-ракатда бўлганликларини ва ма-лика Маргаритага ўтган ойда Па-рижда қилдиган визитидан воз-кечшини «маслаҳат» кўрганли-ларини эътироф этади.

▲ Миллий тинчлик кенгаши-нини секретариати Франция ҳуку-матиинг Хогарда (Сахрови Ка-бир) яна ядро синовларини ўтқа-зиш янгида қарши норозилик билдириб, президент де Голлга телеграмма юборди.

▲ Ямат шаҳрида (Канагава префектураси) ўт қўйилганини натижасида 28 уй хизмат қил-ди. Адури базасида энмакт қилу-вчи Америка матроси, 20 яшар Альфред Мадас ўт қўйган. Сири фой бўлган бу матрос сурбестлар-ча «мен эркам учун ўт қўйдим», деган. (ТАСС).

## ОБ-ХАВО

Вугун Тошкент шаҳрида ва Тош-кент областида ҳавонинг ўзгариш-турини егингарчиликни бўлмаслиги кутулади. Эрталаб Тошкентда 4-6, областда 3-9 нундузи Тошкентда 16-18, областда 15-18 даража ис-сиқ бўлади. Яйловларда ҳаво ўзгариб-турди, егингарчилик бўлмайди. Шарқ томондан шамол асиб турди. Эрталаб 2-6, кундузи 15-18 дара-жа иссиқ бўлади.

Тошкент об.ҳаво бюроси.

## Реклама ВА Ўзлонлар

### ТЕЛЕВИЗОР

19 МАРТДА БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18:00 — Денгизга чинамиз (болалар учун очерк), 18:25 — Телевизион янгиликлар, 18:40 — Партиянинг ва халқчиллик — адабиёт ва санъатнинг муҳим принципи, 19:00 — Ўзбекистон хотин-қизларининг III съезди олдидан, Қозоқ тилида: 19:20 — Сирдарё области далаларида, Рус тилида: 19:40 — Орғозололи бандалар номи бадий фильм (Фрунзе телевидение студиясида), 21:05 — Ёшлар учун (рус тилида), 21:25 — Саноат ҳодимлари учун, 21:40 — Телевизион янгиликлар, 21:55 — Здровье телевизион журни-ли (Ўзбекистон медицина ходимлари V съезига бағишланган махсус со-рини), 22:40 — Болаларни эстетик тар-биялаш (ота-оналар учун).

### ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19:05 — Фан янги-ликлари, 19:20 — В. Раборовский (сабахати текширувчи ва рассом), Ўзбек тилида: 19:40 — Коммуни-стик меҳнат ишчилари, 20:00 — Ар-хитектура ҳақида, 20:25 — Уз ақли билан номи бадий фильм.

### ТЕАТР

НАВОНИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да Травата, ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да Тобудан товуш, 20/III да Олов, МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/III да Алломиш.

### Кино

Ҳаммаслар — «ВАТАН», НАВОНИЙ номи, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

### «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

— Ордаи Ташкентских промышленного и сель-ского областных комитетов КП Ўз-бекистана, Ташкентского горкома КП Ўзбекистана, промышленного и сельского областных Советов депа-татов турлиҳисса.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор урнинбо-сари — 25885, Секретариат — 34808. Партия тузумининг бўлими — 26232, Пропаганда ва совет куралиши бўлими — 28761, Қишлоқ ху-жалли бўлими — 29040, Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлими — 33786, Катталар бўли-ми — 34048, Илгор таърихларини пропаганда қилиш штатсиз бўли-ми — 31936, Ўзлонлар бўлими — 28142.

«Қишлоқ Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистончи Сўз» бирлашган нашриятининг босмаханаси.

Р. 06270. ИНДЕКС 64895 А. — 1553.